

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА МАЪМУРИЙ- ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Қорабекова Мухлиса Шухрат қизи

*Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси Фориш тумани Ички ишлар бўлими
Жамоат хавфсизлиги хизмати ҳуқуқбуарликлар профилактикаси бўлинмаси вояга
етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш гуруҳи катта инспектори*

<https://muxlisaqorabekova85@gmail.com>

Аннотация: Ушбу мақолада давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамда бошқарув хусусиятига эга бўлган муносабатларни, ижро этувчи ҳокимият органларининг ички ташкилий соҳадаги, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари аппаратларининг фаолияти ҳамда давлат хизматини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар уларнинг асосий жиҳатлари, турларининг ўзаро фарқлари орасида аниқ чегаралар ўрнатиш борасидаги фикр ва мулоҳазалар баён етилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий макон, юридик мажбурлов, императив норма, тавсиявий норма, процессуал маъмурий-ҳуқуқий норма

КИРИШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида янги босқич бошлаб берилди. Мамлакатда ушбу ислохотлар доирасида суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга доир 100 дан ортиқ қонуннинг қабул қилинганлиги амалга оширилаётган янгиланишларнинг тизимли, истиқболли эканлигидан далолатдир.

Асосий қисм: Маъмурий-ҳуқуқий норма давлат томонидан ўрнатилган ва бажарилиши махсус давлат воситалари билан таъминланадиган, хулқ-атвор меъёридир. Ҳуқуқ нормаси ўз юридик мазмунига кўра, муайян хулқ-атвор қондаси бўлиб, унга риоя қилиниши турли ташкилий, маърифий ва рағбатлантириш воситаларини, шунингдек, уларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан юридик мажбурлов (интизомий, маъмурий, моддий, жиноий жавобгарлик) чораларини қўллашни назарда тутди. Ушбу хусусиятлар маъмурий-ҳуқуқий нормаларга ҳам хосдир. Улар давлат-бошқарув фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ва мазкур фаолият жараёнида юзага келувчи бошқарувга доир муносабатларни (масалан, шахснинг, ижро этувчи ҳокимият субъектларининг ҳуқуқий мақомини) белгилайди.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар деганда, давлат бошқаруви соҳасидаги ҳамда бошқарув хусусиятига эга бўлган муносабатларни, ижро этувчи ҳокимият

органларининг ички ташкилий соҳадаги, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти органлари аппаратларининг фаолияти ҳамда давлат хизматини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий норма тушунилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ўзининг тартибга солиш йўналишлари ва юридик мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар турли мезонлар, яъни тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг хусусиятлари, вазифаси, функцияларига кўра турларга ажратилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар вазифасига кўра моддий ва процессуал турларга бўлинади.

Моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар маъмурий ҳуқуқ билан тартибга солинадиган бошқарувга оид муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуини, шунингдек, уларнинг жавобгарлиги, яъни маъмурий-ҳуқуқий мақомини юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди. Моддий нормаларда ижро этувчи ҳокимият (давлат бошқаруви) тизими, тартибга солинаётган бошқарувга оид муносабат иштирокчилари фаолият кўрсатиши лозим бўлган ҳуқуқий макон (режим) ўз ифодасини топади. Бундай маъмурий-ҳуқуқий нормалар баъзан статик нормалар деб аталади. Улар тоифасига мансабдор шахсларнинг фуқаролар шикоятини қабул қилиш ва белгиланган муддатда кўриб чиқиш борасидаги мажбуриятлари ёки ижро этувчи ҳокимият муайян субъектининг ваколатлари асосини белгиловчи нормалар киради. Шундай қилиб, моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан бошқарувга доир муносабат субъектларининг ўзаро алоқаси асослари белгиланади; маъмурий ҳуқуқ нормаларининг бажарилиши, қўлланилиши ва уларга риоя қилиниши зарур ҳолларда давлат мажбурлов чоралари билан таъминланади.

Процессуал маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат бошқарувини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган процессуал масалаларни тартибга солади. Масалан, бу нормалар – фуқароларнинг шикоят ва аризаларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини; маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишларни юритиш тартибини белгилайди. Уларнинг вазифаси моддий маъмурий ҳуқуқ нормалари билан белгиланган юридик ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тартибга солинаётган бошқарувга оид муносабатлар доирасида амалга оширилиш тартиб-таомилларини белгилашдан иборат.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар субъектлар хулқ-атворида таъсир кўрсатиш усулига кўра ижтимоий муносабат иштирокчиларининг хулқатворида турлича таъсир кўрсатади: чунончи, улар ҳаракатга ундаши, муайян ҳаракатларни бажаришни буюриши, у ёки бу ҳаракатларни бажариш ваколатини бериши, ҳаракатларни бажаришни ман этиши мумкин. Уларда таърифланган қоидаларнинг хусусиятига қараб ваколат берувчи, мажбурият юкловчи ва тақиқловчи маъмурий-ҳуқуқий нормаларга ажратилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар субъектлари ва тартибга солиш кўламига кўра:

- давлат органлари, корхоналар, ташкилотлар фаолиятини;
- фуқаролар хулқ-атворини;
- жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятини;
- давлат хизмати ходимларининг фаолиятини тартибга солувчи турларга бўлинади.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл жисмоний ва юридик шахсларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар мажбурият юклаш шаклига кўра, аввало, императив (қатъий) ва тавсиявий маъмурий-ҳуқуқий нормаларга бўлинади.

Императив нормалар субъектлар хулқ-атворини бевосита белгиловчи қоидалардан иборат бўлиб, улар мазкур ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг келишувига биноан, бошқа хулқ-атвор қоидалари билан алмаштирилиши мумкин эмас.

Тавсиявий нормалар маъмурий ҳуқуқ субъектларига у ёки бу ҳаракатларни бажариш мақсадга мувофиқлиги хусусида бериладиган тавсиялардан иборат.

Ҳуқуқий муносабат субъектларига норма доирасида ўз ҳуқуқлари ва бурчларини мустақил белгилаш имкониятини берувчи диспозитив нормаларга келсак, улар маъмурий қонунчилик ҳужжатларида нисбатан кам учрайди. Бу ҳол маъмурий ҳуқуқ соҳаси – давлат бошқарувининг хусусияти билан белгиланади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар маконда (ҳудудда) амал қилишига кўра Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида амал қилади. Айрим ҳолларда кўрсатилган нормалар икки тарафлама ёки кўп тарафлама битимларга мувофиқ бир нечта давлатларнинг ҳудудида амал қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар вақт бўйича амал қилишига кўра муддатли (амал қилиш муддати олдиндан белгиланган) ва муддатсиз (амал қилиш муддати олдиндан белгиланмаган) нормаларга бўлинади.

Одатда, маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг амал қилиш муддатлари чекланмайди. Бу уларнинг расмий даражада ўзгартирилгунга ёки бекор қилингунга қадар амал қилишини англатади. Баъзи ҳолларда уларнинг амал қилиш муддатлари аниқ белгиланиши мумкин, масалан, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат муайян муддатга белгиланади. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар улар ифодаланган норматив ҳужжатлар имзоланган санадан эътиборан ёки тегишли нормалар кучга кириши учун назарда тутилган муддатда қонуний, юридик кучга эга бўлади.

Шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий нормалар узоқ муддатли ва қисқа муддатли бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тартибга солиш ҳажмига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

–умумий, яъни давлат бошқарувининг барча соҳалари ва тармоқларига нисбатан татбиқ этиладиган ва ижро этувчи ҳокимиятни амалга ошириш жараёнининг энг муҳим томонларини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (бундай нормалар кўпинча қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларида ифодаланади);

–тармоқлараро, яъни давлат бошқарув фаолиятининг давлат бошқаруви тармоқларининг барчаси ёки аксарияти учун умумий ёки чегарадош саналган ва айтилиш вақтида махсус хусусият касб этадиган муайян томонларини тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар (масалан, бундай жиҳатлар монополияга қарши, экологик қонунчилик нормаларига, шунингдек, ижро этувчи ҳокимиятнинг тармоқлараро органлари тўғрисидаги низомлардан ўрин олган (статистика, тарифларга тааллуқли бўлган) нормаларга хос);

–тармоқ маъмурий-ҳуқуқий нормалари, яъни муайян тармоққа оид бошқарув ваколатларига эга бўлган ижро этувчи органлар (масалан, вазирликлар)га бириктирилган соҳалар доирасида юзага келувчи бошқарувга доир муносабатларнинг турли томонларини тартибга солувчи нормалар.

Маъмурий-ҳуқуқий нормаларни, маъмурий жазо чораларини амалга ошириш ушбу нормаларда акс эттирилган талаблар, ҳуқуқ-атвор қоидаларининг маъмурий ҳуқуқ субъектлари томонидан ҳаётга татбиқ этилишидир. Бинобарин, маъмурий-ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш – маъмурий ҳуқуқ субъектларининг маъмурий ҳуқуқ нормаларида белгиланган талабларга мос келадиган қонуний ҳуқуқ-атвори (фаолияти). У нормаларда белгиланган ҳуқуқларга эга бўлиш ва улардан фойдаланишда ҳамда айтилиш шу нормаларда назарда тутилган мажбуриятларни бажаришда ифодаланади.

Ҳулоса ўрнида шуни айтиш лозимки давлат томонидан ўрнатилган у томонидан муҳофаза этиладиган барча турдаги ҳуқуқ нормалари даставвал муайян ҳуқуқ-атвор қоидаи бўлиб, унга риоя қилиниши турли ташкилий, маърифий ва рағбатлантириш воситаларини, шунингдек, уларга риоя қилмаган шахсларга нисбатан юридик мажбурлов (интизомий, маъмурий, моддий, жиноий жавобгарлик) чораларини қўллашни назарда тутди шахсларга нисбатан юридик мажбурлов чораларини қўллашда бир неча ҳуқуқбузарлик учун энг оғир турдаги жазони қўллаш суд амалиётида

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Мирзиёев Ш. М. буюук келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т., 2017 йил.

2.Н.Т.Исмоилов, Д.Д.Бабаев. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш. Ўқув қўлланма. – Т.: ИИБ Академияси, 2023.

3.Хожиев Э. Маъмурий жавобгарлик. – Т., 2023

4.Рустамов С.С., Бахрамов Х.Х. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – 344348-б.